



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 29 апрель, № 84 (6267) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Муқобил энергия:

ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Юртимизда энергиянинг истиқболли, қайта тикланувчи, энг муҳими, экологик хавфсиз муқобил манбаларини яратиш борасида олиб борилаётган изланишлар ўз самараларини бермоқда. Ушбу йўналишда амалга оширилаётган лойиҳалар давлат томонидан молиялаштирилиб, уларни рўёбга чиқариш учун инвестициялар жалб этилаётир. Пировардида қуёш ва шамол энергияси, биомасса, геотермал ресурслар ўзлаштирилиб, халқ хўжалигининг барча жабҳасига изчил татбиқ қилинапти.

ҚАРОР ВА ИЖРО



Хусусан, Сирдарё иссиқлик электр станцияси худудидаги турбоде- тандер станцияси биноси унчалик кат- та майдонни эгалламаган. Бу ерда ток ҳосил қилиш жараёни иссиқлик электр станциясиникидан тубдан фарқланади. Яъни мазкур кичик иншоотдаги генераторлар ёқилғисиз ҳаракатланади.

Айтиш жоизки, Президентимизнинг 2011 йил 30 июндаги “Сирдарё ва Таллимаржон иссиқлик электр станция- ларига детандер-генераторларни ўрнатиш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбир-

лар тўғрисида”ги қарори асосида бунёд этилган ушбу мўъжаз станция яна кўпгина афзалликларга эга. Масалан, иссиқлик электр станцияла- рига боғланган магистраль газ қурувларида босим анча юқори бўла- ди. Детандер-генераторлар айнан ана шу босим ва газ оқими ёрдамида ишлайди. Бинобарин, қурилма бир пайтнинг ўзида иссиқлик электр станциясига узатилаётган газ босими- ни пасайтириб бериш вазифасини ҳам ўтайди.

(Давоми 2-бетда).

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Пойтахтимизда ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишнинг халқаро тажрибаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллик ҳокимияти органларининг бу соҳа- даги фаолиятини такомиллаштириш масала- ларига бағишланган семинар ўтказилди.

Парламент назорати ва масъулият

Олий Мажлис Сенати томонидан ҳамкор таши- хотлар билан биргаликда таъкил этилган мазкур тадбирда парламент аъзо- лари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари де- путатлари ҳамда уларнинг доимий комиссиялари раҳбарлари, тегишли вазирлик ва идоралар, илмий тадқиқот институт- лари, олий таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Қайд этилганидек, мам- лакатимизда сўнгги йил- ларда давлат бошқаруви- ни демократлаштириш, жа- миятда манфаатлар муво- занатини таъминлаш ҳамда ўзаро тийиб туриш тамо- йилини қарор топтириш борасида изчил ислохот- лар амалга оширилди. Ху- сусан, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ҳуқуқ ва ваколатлари кен-

гайтирилиб, ижро орган- лари фаолияти устидан назо- рати кучайтирилди. Айни пайтда парламент назорати тадбирларининг сифатини янада яхшилаш долзарб аҳамият касб этаяпти.

Хусусан, Президентимиз Олий Мажлис палаталари- нинг 2015 йил 23 январда- ги қўшма мажлисидаги маърузасида конституция- вий ислохотлар нуқтаи на- заридан Олий Мажлис па- латаларининг давлат бош- қаруви органлари фаоли- яти устидан парламент на- зоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонун- лар, муҳим ижтимоий- сиёсий, иқтисодий давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлаш бораси- даги фаолияти сифат жиҳатидан янги асосда қурилиши лозимлигини таъкидлаган эди.

(Давоми 2-бетда).

Озиқ-овқат хавфсизлигининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2015 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган ташкилий- ҳуқуқий тадбирлари, қонун ижодкорлиги ҳамда назорат-таҳлил ишлари дастурига киритилган бир қатор янги қонун лойиҳалари юзасидан кўмиталарда қизгин муҳокама қилиб ўтмоқда.

Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва уни қуйи па- лата муҳокамасига кири- тиш билан боғлиқ тадбир- ларда етакчи мутахассис- лар, олимлар ҳамда фу- қаролик жамияти инсти- тутлари вакилларидаги иборат экспертлар гуруҳи фаол иштирок этаяпти.

Қуйи палатанинг Аграр ва сув хўжалиги масала- лари кўмитаси ҳузурида тузилган ишчи гуруҳ то- монидан “Озиқ-овқат мах- сулотининг сифати ва хавф- сизлиги тўғрисида”ги Қонунга тегишли ўзгарти- ш ва қўшимчалар қиритиши кўзда тутувчи қонун лойи- ҳасини тайёрлаш юзаси- дан йиғилиш ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистонда озиқ-овқат махсулотлари хавфсизлигини таъмин- лаш бўйича амалга оши- риляётган сайё-ҳаракат-

ларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Президентимиз- нинг “Ўзбекистонда озиқ- овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захи- ралари” мавзусидаги халқ- аро конференциядаги ну- қтида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий жи- ҳатдан барқарор, тез суръ- атлар билан ривожланаёт- ганга, жаҳонда ҳамда унинг айрим минтақалари- да аҳолини озиқ-овқат мах- сулотлари билан таъмин- лаш билан боғлиқ мурак- аб вазият юзага келаёт- ган бир пайтда, юртимиз- да сифатли озиқ-овқат махсулотларини ишлаб чиқариш ва аҳолини таъ- минлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга ошириляётганига алоҳида эътибор қаратилган эди.

(Давоми 2-бетда).

2015 ЙИЛ — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

Маҳаллаларда хайрли ишлар изчил давом этмоқда

Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг жорий йил биринчи чорақ якунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Фонд республика бошқаруви масъул ходимлари, худудий бўлимлар раислари ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек, ушбу давр мо- байнида “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури ва Фондининг 2015 йилга мўлжалланган иш режа- си асосида муайян ишлар амалга оширилди. Айниқса, кексаларни эъзозлаш, уруш қатнашчилари ҳамда меҳнат fronti фахрийлари, ёлғиз қариялар, пенсионер ва ногиронлар, кам таъминланган оилаларни мод- дий, маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Жумла- дан, 109 нафар 1941 — 1945 йил- лардаги уруш қатнашчиси мамлака- тимизда ишлаб чиқарилган телеви- зорлар билан таъминланди. Айни пайтда Фонд ҳисобидан замонавий телевизорлар тақдим этиладиган 500 нафар уруш қатнашчиси рўйхати шакллантирилди.

Шунингдек, Давлат дастури до- ирасида республикамиздаги Саҳо- ват ва Мурувват уйларида яшовчи

кексалар ҳамда ногиронлар 147 миллион сўмлик кийим-кечак, кўрпа- тўшак, шахсий гигиена воситалари билан таъминланди. Шуларга мос равишда 11 минг нафардан ортиқ уруш ва меҳнат fronti фахрийла- ри, ёлғиз кексалар, пенсионер ҳамда ногиронларнинг 299 минг 560 квадрат метрлик уй-жойлари таъ- мирдан чиқарилди. “Кексаларнинг дуосини олайлик” шiori остида ма- ҳаллаларда ўтказилган тадбирлар давомида 3460 нафардан ортиқ иж- тимой ёрдамга муҳтож кексалар ҳолидан хабар олинди, уларга совга- саломлар улашилди.

Давлат дастури доирасида “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қол- масин!” шiori остида ташкил этил- ган тадбирлар аҳамияти ҳам катта бўлгани иштирокчилар томонидан қайд этилди. Мазкур тадбирларда 1230 нафар уруш ва меҳнат fronti

фахрийси, пенсионер ва ногирон- ларга уй-рўзгор буюмлари, кийим- кечаклар берилди. Ўнлаб ногирон ҳамда боқувчисини йўқотган тала- баларга ўқув-шартнома пулини тўлашда ёрдам кўрсатилди.

Анжуманда Фонд худудий тузил- малари томонидан ҳамкор ташки- лотлар кўмағида маҳаллаларда ўтқа- зилган 80 мингга яқин турли тарти- бот-ташвиқот тадбирлари ёшлар тарбиясида алоҳида ўрин тутаётга- нига урғу берилди. Айни чоғда Дин ишлари бўйича кўмита, Республика Маънавият тарғибот маркази, Хотин- қизлар кўмитаси ҳамда “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда жойларда аҳоли ўрта- сида диний экстремизм, миссионер- лик ва ақидапарастликнинг турли кўринишларига барҳам бериш мақ- садида давра суҳбатлари ҳамда маърифий тадбирлар ташкил этил- гани айтиб ўтилди. Шунингдек, “Қариси бор уйнинг париси бор” ва “Уч авлод учрашуви” мавзуларида тадбирлар уюштирилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда “Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги” эсдалик юбилей медаллари ҳамда пул муко- фотларини топширишга бағишланган тантанали маросимлар давом этмоқда.

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Кўнгил обод, юрт фаровон

Шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон Респу- бликаси Мудофаа вазир- лиги томонидан Куролли Кучлар Давлат музейида ташкил этилди. Унда Ик- кинчи жаҳон уруши қат- нашчилари ва меҳнат fronti фахрийлари, ҳарбий хизматчилар, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакилла- ри, оммавий ахборот воситалари ходимлари қат- нашди.

Маросимда Ўзбеки- стон Республикаси мудо- фаа вазири, генерал- полковник Қ. Бердиев ва бошқалар таъкидлагани- дек, кексаларга ҳурмат- эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг чин маъно- да ажралмас қисмига ай- ланган. Бундай олижаноб фазилатлар, айниқса, мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамо- лигида олиб борилаётган эзгу сайё-ҳаракатлар ми- солида яққолроқ намоён бўлмоқда. Жорий йил- нинг “Кексаларни эъзо- лаш йили” деб номлан- гани ҳам давлатимизнинг ушбу масалага нақадар юксак эътибор қаратаёт- ганини тасдиқлайди.

Республикамизда нишонланадиган турли байрамлар, муҳим сана- лар арафасида кекса ав- лод вакиллари иштиро- қида маънавий-маъри- фий тадбирлар ўтказиш, уларга алоҳида эҳтиром

кўрсатиш ҳам ўзига хос аънава тусини олган. Бундай мулоқотларда юртимиздаги тинчлик ва осойишталикнинг аҳами- яти, рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришлар, ҳаётимиздаги янгилан- нишлар ҳақида сўз бора- ди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлагани- дек, “Ватанимизнинг му- саффо осмонини асраш- да, ҳар қандай офатлар- ни оstonамизга йўлат- маслик, она юртимизни фашизм балосидан ҳимоя қилишда кекса ав- лод вакиллари кенг қат- нашган ва ҳар қандай жасорат кўрсатгани, фронт ортида меҳнат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг чин маъно- да ажралмас қисмига ай- ланган. Бундай олижаноб фазилатлар, айниқса, мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамо- лигида олиб борилаётган эзгу сайё-ҳаракатлар ми- солида яққолроқ намоён бўлмоқда. Жорий йил- нинг “Кексаларни эъзо- лаш йили” деб номлан- гани ҳам давлатимизнинг ушбу масалага нақадар юксак эътибор қаратаёт- ганини тасдиқлайди.

Бугун фахрийларимиз- нинг ҳурматини жойига қўйиш, ҳар қайси кекса одамнинг юрагига етиб бориш, кўнглини кўтариш, шу билан бирга, уларнинг ҳаётини мазмунли қилиш йўлида олиб бораётган ишларимизни кучайти- риш, самарасини оши- риш зарур.”

(Давоми 4-бетда).

Миллатлар ҳамжамияти Ўзбекистонда аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирлар билан танишди

“Аёлларнинг ижтимоий ҳимояси — Ўзбекистон Касаба уюшмаларининг устуворликларидан бири” мавзусидаги ахборот материали Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Женева шаҳридаги бўлимида БМТга аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида тарқатилди.



БИЗ ВА ЖАҲОН

Мазкур ҳужжатда қайд этилганидек, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий- сиёсий фаоллигини, жамият ва давлат қурилишидаги вазифаларининг ҳал қилини- шда уларнинг ўрни ҳамда макomini оширишга алоҳи- да эътибор қаратилмоқда. Аёлларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя-

си, уларнинг фаровонлигини ҳар томонлама яхшилаш учун муносиб шароитларни яратиш Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисоб- ланади.

Бу жараёнда мамлакат касаба уюшмалари ҳам фаол қатнашмоқда. Хусусан, Ўзбе- кистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши аёл-

ларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш юза- сидан тизимли ишларни олиб бораётир. Мазкур мақсадлар учун Касаба уюшмалари Федерацияси ҳузурида Аёл- лар кенгаши тузилган, тармоқ ва худудий касаба уюшмала- ри ташкилотларининг ҳузури- да эса аёллар билан ишлаш комиссиялари фаолият кўрса- таяпти. Улар томонидан ишчи аёллар ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш юзасидан тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу та- рика жамоа шартномалари ҳамда битимлар воситасида улар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар яратилаётир.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Мамлакатимизда “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида ўтказилаётган тадбирларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобидан қарий

593

миллиард сўм йўналтирилди.



Бу ёши улғу, нуроний кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ҳамда сифатини ошириш бўйича белгилаб олинган устувор вазифаларнинг изчил ижросини таъминлаш имконини бераётгани билан гоёта аҳамиятлидир.

Парламент назорати ва масъулият

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурини рўйбга чиқариш доирасида ташкил этилган мазкур семинарда парламент назорати самарадорлигини ошириш борасида парламент аъзолари олдида турган масалалар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, юртимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича олиб борилган ишларнинг самарадорлигини янада кучайтиришга ҳизмат қилмоқда. Семинарда парламент ва депутатлик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда улар-

нинг доимий комиссиялари фаолиятини кучайтириш масалалари муҳокама этилди, шунингдек, ривожланган демократик мамлакатларнинг бу соҳадаги тажрибаси ҳақида фикр алмашилди. Хусусан, давлат бошқаруви органлари фаолияти, улар томонидан қонунларнинг йилларига шаклланиб, ўтган қисқа давр ичида иқтисодий тизимнинг жадал сурьатларда ривожланаётганлиги, социал-иқтисодий ҳама ижтимоий-сиёсий ривожлантиришга доир энг муҳим давлат дастурлари амалга оширилиши устидан самарали парламент назоратини таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Таъкидланганидек, юртимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича олиб борилган ишларнинг самарадорлигини янада кучайтиришга ҳизмат қилмоқда. Семинарда парламент ва депутатлик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда улар-

Қобил ХИДИРОВ.

Кеча пойтахтимизда “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” белгиси остида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқарилаётган янги маҳсулотлар тақдимоти бўлиб ўтди.

ТАҚДИМОТ

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳаракати мамлакатимизда мустақиллик йилларида шаклланиб, ўтган қисқа давр ичида иқтисодий тизимнинг жадал сурьатларда ривожланаётганлиги, социал-иқтисодий ҳама ижтимоий-сиёсий ривожлантиришга доир энг муҳим давлат дастурлари амалга оширилиши устидан самарали парламент назоратини таъминлаш зарурлиги таъкидланди. Таъкидланганидек, юртимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича олиб борилган ишларнинг самарадорлигини янада кучайтиришга ҳизмат қилмоқда. Семинарда парламент ва депутатлик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда улар-

Маҳсулот — ўзимизники, ЎЗБЕКИСТОННИКИ!

Одатда, маҳсулот ишлаб чиқаришни эндигина йўлга қўйган тадбиркорлик субъектлари бозорда ўз ўрнини топиб олиши, хусусан, маҳсулотини танитиш, реклама қилиш ва хариддорларга етказиб беришда дастлабки кўмакка эҳтиёж сезиши, табиий. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмоли товарларининг тақдимотини ўтказишга кўмакчи бўлиш билан чиқиб, бундай тадбирларни мунтазам равишда ташкил этиб келмоқда. Жумладан, 2014 йилда юртимизнинг турли ҳудудларида 12 марта тақдимот маросими уюштирилиб, уларда 350 дан ортиқ хўжалик юритувчи субъектлар қамраб олинди.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Самарқанд, Сирдарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида қарийб 320 та тадбиркорлик субъекти иштирокида саноат маҳсулотлари кўргазмалари ташкил этилди. Бу эса ишбилармонларга буюртмалар портфелини шакллантириш, янги ҳамкор-

лар топишда қулай муҳитни юзага келтирди.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда деярли барча соҳада кичик бизнес вакиллари иштирок этмоқда. Улар дастлабки босқичда, асосан, савдо-сотиқ, хизмат кўрсатиш каби жабҳаларда фаолият кўрсатган бўлса, эндиликда кўрсатган бўлса, эндиликда мураккаб технологияли саноат тармоқларида самарали иш юритаёпти. Шу жумладан, электротехника саноатида ҳам. Кейинги йилларда республикамизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари таркибида мазкур соҳанинг улуши ортиб бораётгани, аслида, бевосита кичик бизнес субъектлари изланишлари билан изоҳланмоқда.

Бу галги тақдимот электротехника саноатида бағишлангани эса кичик бизнес субъектлари учун яна бир қулайлик яратди. Унда пойтахтимиздаги шу турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Foton”, “Azn”, “Uztermash”, “Roison Electronics”, “Alubond Composite Material”, “O’zelektroapparat” масъулияти чекланган жамиятлари ва бошқа хўжалик юри-

тувчи субъектлар иштирок этди.

— Юртимизда электротехника саноатини ривожлантириш, ички бозорни ўзимизнинг маҳсулотлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди “Foton” масъулияти чекланган жамиятининг бўлим бошлиғи Ҳотам Тўлаганов. — Бундай лойиҳаларни амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларига имтиёزلар берилаяпти. Бу эса бизни янги-янги лойиҳаларга қўл уриш, кўшимча иш ўринлари яратишга ундамоқда. Айниқса, республикамизда 2015 — 2019 йиллар давомида саноатнинг мазкур тармоғида умумий қиймати 268,5 миллион АҚШ долларлик 39 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилгани ҳам унинг истиқболи нақадар порлоқ эканлигини далолатидир.

Тақдимотда намоийш қилинган импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган маҳсулотларнинг ҳеч бири иштирокчилар эътиборидан четда қолмади. Тадбиркорлар тақдим этган маҳсулотлари ҳақида йўғиланларга атроф-лича маълумотлар берилди.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Озиқ-овқат хавфсизлигининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилмоқда

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Бинобарин, “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”-ги Қонунга тегишли ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритилиши озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш борасидаги яна бир муҳим қадамдир.

Ийгилиш қатнашчилари Қонунга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириши билан бирга, республикамизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг турини кенгайтириш ҳамда сифатини янада яхшилашга хизмат қилишини алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Агар ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси Исрол Зокировнинг айтишича, ишчи гуруҳи муҳокамаларида озиқ-овқат маҳсулотининг

сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви органларининг ваколатлари ҳамда вазифаларини аниқ белгилаб олиш, озиқ-овқат маҳсулотининг сифати, хавфсизлигини назорат қилишда ишлаб чиқарувчи ва жамоатчилик назоратини кучайтириш юзасидан ҳам тақлифлар билдирилмоқда.

— Бундай муҳокамаларга амалиётчи олимлар, соҳа мутахассисларининг кенг жалб этилаётгани қабул қилинадиган қонунларнинг ҳаётийлигини таъминлабгина қолмай, уларнинг таъсирчанлигини ҳам оширади, — деди Тошкент давлат юридик университети Экология ва аграр ҳуқуқи кафедраси доценти Олимжон Нарзуллаев. — Ийгилишда экспертлар гуруҳи томонидан амалдаги Қонуннинг вазифаларини янада кенг баён этиш орқали унинг таъсирчанлигини кучайтириш, озиқ-

овқат маҳсулотлари сифати ҳамда уларни ишлаб чиқарувчи юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан кўйилган талабни бундан-да такомиллаштириш бўйича қўшимчалар киритиш, озиқ-овқат маҳсулотини сертифицирлаш, овқатга қўшилидиган биологик фаол қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда назоратга олиш бўйича нормаларга оидинлик киритиш юзасидан қўллаб амалий тақлифлар берилди.

Мазкур ҳужжатни тайёрлаш жараёнида халқаро амалиёт, ривожланган мамлакатларнинг озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги тажрибаси, халқаро шартномалар ва унда белгиланган айрим нормалар ҳам чуқур ўрганилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати.



Муқобил энергия:

ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

— Детандер-генераторларнинг яна бир муҳим жиҳати бор, — дейди Сирдарё ИЭС 1-қозон турбина цехи бошлиғи Жаҳонгир Қирғизбоев. — У атроф-муҳитга ҳеч қандай зарар етказмаган ҳолда электр қуввати

ишлаб чиқаради. Шунингдек, бу ердаги технологиялар тўлиқ автоматлаштирилган бўлиб, тизим бир нафар оператор томонидан назорат қилиб турилса қифоя. Натижада ток ҳосил қилиш жараёни учун деярли маблағ сарф этилмайди. Ўз навбатида, табиий газ ёки бошқа ёқилғи

ресурслари тежаб қолинади. Хозир мазкур муқобил энергия корхонасида 3 та детандер-генератор қурилмаси ишлаб турибди. Улардан ҳар бири 5 мегаватт-соат электр токи ҳосил қилиш қувватига эга. Ушбу ускуналар фойдаланишга топширилганидан бўён эса истеъмолчиларга 14874 мегаватт-соатдан зиёд миқдордаги электр қуввати етказиб берилди.

Қисқача айтганда, мамлакатимизда илк бор амалиётга жорий этилган ушбу инновацион лойиҳа юқори самара бермоқда. Бу юртимиз энергетика тизимида олиб борилаётган ислохотлар истиқболли эканлигининг далолатидир.

Аҳмад ХУСНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Шумурот ШАРАПОВ олган суратлар.



Маҳалларда хайрли ишлар изчил давом этмоқда

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Ийгилишда Наврўз байрами арафасида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари кунларида амалга оширилган ишлар қўлама ва уларнинг аҳамияти хусусида ҳам батафсил сўз юритилди. Эътиборлиси, икки кунлик ҳашарда 18,1 миллион нафар юрtdошимиз, шу жумладан, 10,7 миллион ёшлар иштирок этди. Улар томонидан 43,7 минг гектар майдон ободонлаштирилди, 27,6 минг километрлик ариқ ва зовурлар тозаланди ҳамда 760 та зиёратгоҳ, 8 минг 837 та қабростон тартибга келтирилди. Маҳаллар худудига, кўча бўйларини ва ички йўллار атрофида 11,9 миллион дона яқин манзарали, 10,3 миллиондан зиёд мевали, 14,1 миллион дона гул қўчатлари ўтказилди.

Умумхалқ хайрия ҳашари кунларида эзгулик ва соҳават йўналишидаги ишлар янгича сурьат олди. Натижада 20 минг 541 оиланинг 523 минг 148 квадрат метрлик уй-жойлари ҳашар йўли билан

таъмирланди. Қолаверса, 26 минг 398 та эҳтиёжманд оилага моддий ёрдам кўрсатилди. Шу мақсадлар учун “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳисобидан 107 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Шу билан бирга, Меҳрибонлик, Саҳоват ва Мурувват уйларида истиқомат қилувчи фуқаролар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларга 139,6 миллион сўмлик мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

Умуман, “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури ҳамда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди иш режасида белгиланган тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида Фонднинг 2 миллиард 515 миллион сўмдан ортиқ маблағи йўналтирилди.

Тадбир якунида истиқболдаги вазифалар ижроси юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Зокир ХУДОЙШУҚУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик фикри

Дунёда ахборот кураши авж олган бугунги мураккаб замонда оммавий ахборот воситалари зиммасидаги масъулият тобора ортиб бормоқда. ОАВ аҳолига нафақат ҳаққоний, ҳолис ва тезкор хабар етказиши, балки жамият аъзоларининг ўз фикрларини, воқеа-ҳодисаларга муносабати ва нуқтаи назарини эркин ифода этишини таъминлашга даъват этилган.

АНЖУМАН

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари фаолиятида ҳам ушбу давр талабидан келиб чиққан ҳолда, изчил ўзгариш ва янгиланишлар кузатилмоқда. Бу эса фуқароларнинг фикрлаш ҳамда сўз эркинлиги билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқларини

рўйбга чиқаришга хизмат қилаётди. Айтиш жоизки, юртимизда оммавий ахборот воситалари ҳамда журналистлар ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлайдиган ўндан зиёд қонунлар қабул қилинган бўлиб, Мамлакатимизда демократик ислохотларни яна-

да чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш соҳасидаги мавжуд қонунчилик янада такомиллаштирилаяпти.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, ЮНЕСКОнинг МОСТ дастури бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий қўмитаси, Мирзо Улўғбек номидаги Ўзбекистон Миллий универ-

ситети ҳамкорлигида “Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги республика доимий илмий-амалий семинари доирасида ўтказилган тадбирда ана шулар хусусида сўз юритилди. Тадбир жамоатчилик фикрини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни, мазкур йўналишда олиб борилаётган тадқиқот услублари ва самараларига бағишланди. Унда етакчи социолог олимлар, демографлар, ҳуқуқшунос ва сиёсатшунослар, олий ўқув юртли вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари аҳолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш, мамлакатимизни демократик янгиллаш ва модернизацияда фаол қатнашаётди. Айни пайтда республикамизда қарийб 1 минг 400 та оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатаёпти. Уларнинг салмоқли қисми нодавлат оммавий ахборот воситалари экани фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ушбу институтнинг родини кучайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ-ошкоралигини таъминлашга қаратилган ислохотларнинг ёркин ифодасидир.

Тадбирда ОАВ ва жамоатчилик фикри, ОАВ ва жамиятнинг ўзаро таъсирини ўрганишга оид услубий ёндашувлар ҳақида маърузалар тингланди.

Фарида МАҲКАМОВА.

Миллатлар ҳамжамияти Ўзбекистонда аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирлар билан танишди

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Бугунги кунда жамоа шартномалари асосида моддий кўмак берилмоқда. Нодавлат корхоналарда меҳнат қиладиган оналар учун иш ҳақи сақланган ҳолда, ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган иш вақти белгиланган. Икки ёшгача болалари бўлган ишчи аёллар болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслардан фойдаланишда, бу танаффус иш вақтига киритилган бўлиб, ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоби бўйича ҳақ тўланади.

Юқоридегилардан ташқари, энг фаол аёлларни доимий равишда рағбатлантириш тизими ҳақидаги маълумотлар ҳам мазкур ҳужжатда ўз ифодасини топган. Масалан, 2014 йили Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан 1960 нафар аёлга 1 миллиард 500 минг сўм миқдордаги машиий техника воситалари тақдим этилди. Касаба уюшмалари тизимидаги соғломлаштириш масканларида аёллар саломатлигини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу, айниқса, қишлоқ жойлардаги аёлларга кўпроқ тааллуқлидир. Соғломлаштириш масканларида саломатлигини мустаҳкамлаш учун ижтимоий йўлланмаларни олаётган аёллар сони эса йилдан-йилга ошиб бораёпти.

Шунингдек, ҳужжатда бу борадаги ишларнинг барчаси давлат, касаба уюшмаси ва иш берувчиларнинг ижтимоий шериклиги асосида олиб борилаётгани алоҳида таъкидланган.

«Жаҳон» АА. Женева

Вакуумли гидронасос

Навоий машинасозлик заводи мутахассислари томонидан электр қувватисиз ишлайдиган вакуумли гидронасос яратилди.

ИЗЛАНИШ

— Мазкур қурилма лалми ерларда экинларни мунтазам суғориш имконини беради, — дейди ушбу заводнинг инновацион технологиялар бўлими муҳандиси А. Фадеева. — Унинг афзаллиги шундаки, гидронасос ҳар дақиқада 20 литр сувни юз метр балангликкача кўтариб бериш қувватига эга. Шунингдек, унинг ёрдамда обихаётни иситиш ҳам мумкин.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАХОН 24 СОАТ ИЧИДА

Жорий йилнинг март ойида Франциядаги меҳнат биржаларига 15,4 минг киши иш сўраб мурожаат қилди.

Энг долзарб масала

“Евроноўс” телеканалли хабарига кўра, бу февралдаги нисбатан 0,4 фоиз кўп. Шундай қилиб, мазкур давлатда ишсизлар сони 3,5 миллион кишига етди.



Мамлакат ҳукумати иқтисодийнинг ривожлантириш ва шу орқали аҳоли бандлигини таъминлашга устувор вазифа сифатида аҳамият қаратаётган бўлса-да, ҳозирча кескин ижобий ўзгариш қайд этилганича йўқ, дейишмоқда экспертлар.

Акциялари баҳосига таъсир қилди

Германиянинг “Deutsche Bank” банки фаолиятини қайта ташкил этиш мақсадида кенг қамровли чора-тадбирларни амалга оширишга киришмоқда.

Бу ҳақда молия муассасаси раҳбарияти инвесторлар билан учрашув чоғида маълум қилган. Жумладан, келгуси икки йил ичида банк дунё бўйича ўзининг 200 та филиалини ёпишни режалаштираётган.

Ушбу саъй-ҳаракатлар орқали “Deutsche Bank” 2020 йилга бориб, 3,5 миллиард евро миқдоридagi маблағни тежаб қолишга эришмоқчи.

Айтиш жоизки, банкнинг мазкур режаси фонд бозорида ижобий ечим сифатида баҳоланмади. Натижада Франкфурт биржасида унинг акциялари нархи 6 фоиз тушиб кетди.

Сейсмик фаоллик сақланиб турибди

Непал ҳукумати маълумотига қараганда, мамлакатда катта талафотларни келтириб чиқарган zilzila оқибатида қурбон бўлганлар сони 10 минг кишига етиши мумкин.



Табиий офатдан жабрланганларга ёрдам кўрсатишда ушбу давлат халқаро ҳамжамият кўмагига муҳтож бўлиб турибди. Чунки дори-дармон воситалари, вақтинча яшаш учун мўлжалланган палаткалар етишмаяпти.

Айни пайтда ер силкиниши кузатишдан ҳудудларда қидирув-кутқарув ишлари давом эттирилмоқда.

25 апрель кунинг рўй берган zilzila натижасида 4 минг 349 киши ҳаётдан кўз юмди. Етти мингдан зиёд фуқаро жароҳатланди. Юқорида айтиб ўтилганидек, бу рақам ҳали ўзгариши мумкин.

Касалликдан ҳимоялайди

Малина меваси саратонни келтириб чиқарувчи тўқималарни бартараф этиш хусусиятига эга.

Яқинда бир гуруҳ олимлар ўтказган тадқиқот якунида ана шундай хулосага келинди. Тажрибдор жониворларда синаб қўрилган. Улардан малина истеъмол қилганларида саратон тўқималари бутунлай йўқ бўлгани аниқланган.

Авалроқ ўсимтани малинанинг бази турла-

ригина бартараф этиши мумкин, деган таҳминлар бор эди. Эндиликда ушбу меванинг ҳар қандай тури мазкур хасталикдан ҳимоя қилишда фойдали экани айтилмоқда.

Малинада инсон организми учун зарур бўлган С витамини, магний моддаси кўплиги ҳам эътиборга лойиқ.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«КО'P TAPMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан 2014 йил 3 июндаги 1-24/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 156-«А» уй, Халқаро улғурчи савдо маркази ҳудуди, 8-блокда жойлашган, умумий майдони 17,0 кв.м дан иборат бўлган, 19-сонли савдо дўконининг 1/2 қисми кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 30 075 974 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 2 июнь кунинг соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Такрорий аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар кўйилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Суд департаментининг Суд қарорларини ижро этиш бошқармаси томонидан тақдим қилинган, Тошкент шаҳар Жиноят ишлари бўйича Учтепа тумани судининг 2014 йил 7 августдаги 1-251/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 30-уйда жойлашган, умумий майдони 1389 кв.м. А, Б, В, Г, Д, Е блокларидан иборат бўлган ишлаб чиқариш биноси.

Бошланғич баҳоси — 1 190 424 632 сўм.

2. Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 26-уйда жойлашган, умумий майдони 4048 кв.м. А, Б, В, Г, Д, Е, Ж, З, И, К, Л, М, Н, О, П, Р, С, Т блокларидан иборат бўлган ишлаб чиқариш ва омборхона биноси.

Бошланғич баҳоси — 2 620 103 936 сўм.

3. Тошкент шаҳар Яқкасарой тумани СИБ томонидан

Тошкент шаҳар Яқкасарой туманлараро судининг 2014 йил 15 октябрдаги 1-2883/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Нуриддинов кўчаси, 7-уйда жойлашган, умумий майдони 299,0 кв.м.дан иборат бўлган дўкон биноси.

Бошланғич баҳоси — 247 500 000 сўм.

Такрорий аукцион савдоси 2015 йил 15 май кунинг соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини «Ko'p tapmoqli ko'chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси ўтказилишига бир иш кунинг олганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.

Хизматлар лицензияланган.

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

6004/33

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мана шундай оқилонга сиёсат туфайли хонадонларимиз кўрки бўлган пиру бадавлат отахону онахонларимиз бугунги дорил-амон кунлардан баҳраманд бўлиб, умргузаронлик қилишмоқда.

Тадбирда нурунийларга "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медаллари ҳамда пул мукофотлари тантанали равишда топширилди.

Кўнгил обод, юрт фаровон

— Инсон умрида осойишталикнинг ўрни қанчалик муҳим эканини биз, кексалар ўз ҳаёти-миз мисолида жуда яхши англаймиз, — дейди Мирзо Улугбек туманида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Ҳамид Воҳидов. — Уруш сабабли жуда кўп машаққат чекдик. Ёшлик гаштини сура олмадик. Эсласак, юрагимиз эзилди кетди. Шунинг учун ҳам бугунги фаровон кунларга етганимиз, юртимиздаги бекиёс ўзгаришлар, янгиликлар, маъмуричиликни кўриб, шукрона айтишдан чарчамаймиз. Албатта, буларнинг барчаси истиқлол шарофати, тинчлик туфайлидир. Ушбу неъматларнинг қадрига етишимиз, асраб-авайлашимиз керак. Фарзандларимиз, невараварларимизга насиҳат қилганда ҳам буну кўп ўқтираемиз.

Фазлиддин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди

Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда меҳнат фахрийлари учун "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" деб номланган маърифий тадбир ташкил этилди.

У Кексаларни эъзозлаш йили ҳамда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Республика "Нуруний" жамғармаси, "Махалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маънавият тарғибот маркази, Республика "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жа-

моат фонди ҳамда бошқа бир қатор ташкилот ва идоралар ҳамкорлигида ўтказилди.

Тадбирда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида юртимизда инсон қадр-қиммати улуғланди, унинг фаровон ҳаёт кечириши учун бар-

ча шарт-шароит яратиб берилмоқда. Айниқса, кексаларга ҳурмат ва эҳтиром, ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ижтимоий муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилаётир.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ҳамда давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 13 октябрдаги "1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тад-

бирлари тўғрисида"ги ҳамда 2015 йил 6 мартдаги "1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармонлари нурунийларимизга иззат-икром кўрсатиш, саломатликларини мустаҳкамлаш каби олижаноб ишларни янги босқичга кўтарди.

"Жасорат, бурч, матонат" шиори остида уюштирилган мазкур тадбирга пойтахтимизда истиқомат қилаётган бир гуруҳ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари таклиф этилди. Кексаларимиз тинчлик-хотиржамлик, фаровон турмуш ҳалқимизнинг энг бебаҳо бойлиги, унинг қадрига етиш, асраб-авайлаш барчамизнинг энг олий бурчимиз эканлигини кайд этишди. Шунингдек, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, ёшлар учун яратилаётган қулайликлардан оқилона фойдаланиш зарурлигини ўқитишди.

Нурунийларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Одинахон ХОЛИҚОВА.



Темур МАММАДИМИНОВ (ўса) оловон сўраёт.

ЖАСОРАТ, БУРЧ, МАТОНАТ

Эзгуликка ундовчи сабоқлар

Самарқанд вилоятидаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан "Тинчлик" дарслари ўтказилмоқда.



"Жасорат, бурч, матонат" шиори остида уюштирилаётган бундай машғулотлардан кўзланган асосий мақсад

тиралари билан ўртоқлашмоқдалар.

— Ёшим саксон иккида, — дейди Булунгур туманининг Сайилтепа маҳалласида истиқомат қилувчи Мусо Аҳмедов. — Болалигимиз уруш даврига, ундан кейинги оғир йилларга тўғри келди. Орадан етмиш йил ўтибдики, урушнинг асоратлари, машъум воқеалар хотирамиздан ўчгани йўқ. Шундай пайтларда болаларимизнинг тинч-осуда юрда камол топаётганини кўриб, қувонаман. Айниқса, биз, кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибордан, ёшларимизнинг

навқирон авлодга тинчликнинг қадр-қимматини, мустақиллик туфайли юзага келаётган улкан имкониятларнинг моҳиятини тушунтиришдан иборат.

Ноанъанавий тарзда ўтказилаётган ушбу дарсларга Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти фахрийлари таклиф этилмоқда. Улар коллежларда фарзандларимизнинг билим олишлари учун яратилган шароитлар, ўқувчи-ёшларнинг ютуқларига гувоҳ бўлиб, хо-

хурмат билан муносабатда бўлишаётганидан беҳад хурсандимиз.

— Бундай тадбирлар доирасида нурунийлар ҳамда ўқувчи-ёшларнинг Хотира майдонлари, музейларга саёхатлари ҳам ташкил қилинмоқда, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси мутахассиси Жамшид Отақуллов. — Шунингдек, таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва ўқувчилар томонидан ўз худудларида истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийлари номига табрик хатлари ёзилмоқда. Уларнинг хонадонларига бориб, ҳолидан хабар олиниб, эсдалик совғалари топшириляпти.

Акрам ҲАЙДАРОВ.

Маданият хабарлари



Шахрисабздаги Тагинчор ва Гулистон маҳаллалари худудидан Темурийлар даврига мансуб сангарошлик намуналари ҳамда қурилиш ашёлари топилди.

Темурийлар даврига оид топилма

Улардан бири ҳозиргача яхши сақланган қабртошир. Ундаги биткилар ўрғанилганда, у Умаршайх Мирзонинг ўғли Сайид Аҳмад Мирзога тегишли эканлиги маълум бўлди.

— Кейинги йилларда Шахрисабз шаҳрининг Темурийлар ҳукмронлиги йилларидаги тарихий топографиясини аниқлаш, ўз даврида шаҳар ўтмишида алоҳида аҳамият касб этган шахслар фаолиятини ўрганиш мақсадида қатор археологик тадқиқотлар олиб борилмоқда, — дейди Қашқадарё вилояти ўлкани

ўрганиш музейи директори Баҳодир Мамадиев. — Изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, ушбу худудда X-XIV асрларда масжид бўлган. Айни пайтда тарихий ашёларни тадқиқ этиш орқали қимматли маълумотларни қўлга киритаямиз.

Таъкидлаш керакки, бу ерда археологик қазималар жараёнида 1996 йилда ўша даврларга оид пилган гишлардан терилган йўлак ва куллик буюмлари топилган эди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қадимий санъатнинг янги жаҳли

Бухоро санъат музейида республика Бадий академияси аъзоси, моҳир rassom Раҳим Ҳақимовнинг шахсий кўргазмаси очилди.

Мазкур намоиш тасвир санъат муҳлислари, ёшлар, айниқса, хорижий сайёҳларда катта таассурот қолдирмоқда. Бундан ташқари, хўжалик тасаруфидидаги майдонда пальма ва турли ноёб гул ниҳоллари етиштириш йўлга қўйилди. Хўжалик жамоаси жорий мавсумда ободонлаштириш ташкилотлари ҳамда боғбонларга бир миллион дондан ортқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етказиб берди.

Умуман, воҳода йил бошидан буён 11 миллион

Ноёб гуллар иқлимга мослаштирилди

Шовот туманидаги "Анор" фермер хўжалиги жамоаси Хоразм вилояти иқлим шароитига мутлақо бегона арча кўчатини ўстиришга муваффақ бўлган.

Яқиндан бошлаб бу ерда Хоразм гужумини кўпайтиришга ҳам киришилди. Бундан ташқари, хўжалик тасаруфидидаги майдонда пальма ва турли ноёб гул ниҳоллари етиштириш йўлга қўйилди. Хўжалик жамоаси жорий мавсумда ободонлаштириш ташкилотлари ҳамда боғбонларга бир миллион дондан ортқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етказиб берди.

Умуман, воҳода йил бошидан буён 11 миллион



ИНТИЛИШ

348 мингдан ортқ дарахт ниҳоллари ўтказилди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Каврак — шифобахш ўсимлик

Заминимизда доривор гиёҳларнинг кўплаб турлари учрайди. Каврак — шулардан бири. Ундан халқ таъбиотида узоқ йиллардан буён фойдаланиб келинади.

БИЛАСИЗМИ?

Каврак зирадошлар оиласига мансуб бўлиб, дунёда унинг 170 дан зиёд тури мавжуд. Мамлакатимизда эса 50 тури кенг тарқалган. Улар унчалик ер танламайди. Қумли қўллар, қир-адирлар, тоғ ва тоғолди худудлар бўладими, соф туپроқли майдонларми, бирдек барқ уриб ўсаверади.

Каврак март-апрель ойларида гуллаб, меваси июль-августда пишиб етилади. Ўсимликнинг ер устки қисми об-ҳаво шароитига қараб 1,5-2 ойгача яшнаб туради.

Абу Али ибн Сино кўплаб хасталикларни даволашда кавракдан фойдаланган. Чунки ўсимликнинг илдизи ҳам, пояси ҳам соғлиқ учун малҳам. Масалан, томоғи оғриб, овози битиб қолган кишилар каврак елимини сувга қўшиб ичса,

хасталик дарҳол чекинади. Иллалти яраларга ҳам каврак елими наф келтиради. Бунинг учун унга мурч ва сирка аралаштирилиб яраларга суртилса, кифоя. Сарик касаллигига чалинганларга эса ўсимлик ширасини анжирга қўшиб истеъмол қилиш тавсия этилади.

Каврак бош мия, склероз, бронхит, астма, кўкйўтал, диабетга ҳам даво. Шунингдек, қон кетишини тўхтатиб, иштахани очади. Буйрак касалликлари, хусусан, томчилаб сийиш хасталигида каврак илдизининг таъбирини катта. Бунинг учун ўсимлик илдизининг қайнатмасини 30 граммдан кунига уч маҳал ичиш, самараси 15 кундаёқ сезилади. Бундан ташқари, қайнатма оғриқларни босиш хусусиятига ҳам эга.

Ёш оналарга ўсимлик уруғи қайнатмасидан 50 граммдан кунига 3 маҳал ичиш бузилади. Шундай қилинганда, она сути кўпаяди.

Сарвар ОЧИЛОВ тайёрлади.

Чавандозларимиз маҳорати

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги "Алтур" от спорти клубида жаҳон кубогининг Марказий Осиё лигаси I саралаш босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, Халқаро от спорти федерацияси ҳамда мамлакатимиз от спорти федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада 50 нафарга яқин чавандоз голиблик учун кураш олиб борди.

Маълумки, Марказий Осиё лигасининг саралаш баҳслари уч босқичда ўтказилди. Унинг якунига кўра, энг яхши кўрсаткичга эришган чавандоз 2016 йилда бўладиган жаҳон кубогининг ҳал қилувчи босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Қувонарлиси, юртимизда ташкил қилинган дастлабки саралаш босқичида спортчимиз Абдулазиз

Маматхонов "Форжулия" лақабли отида голибликка эришди. У 140-160 сантиметр бандликдаги тўсиқлардан от сакратиш беллашувида 77,42 сония (бирорта жарима очколарисиз) натижа кайд этиб, халқаро тоифадаги спорт устаси талабини ҳам бажарди. Яна бир тажрибали чавандозимиз Владимир Шмелёв иккинчи, қирғизистонлик Ринат Галимов эса учинчи ўринни эгаллади.

Мусобақа доирасида ўтказилган аънанавий "Миллатлар кубоги" жамоавий баҳсларида Файрат Назаров, Умид Комилов, Аъзам Толиббеов ва Феруз Абдуллаевдан иборат терма жамоамиз бош совринни қўлга киритди.

Шавкат ЖАЛИЛОВ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси Қўмита аъзоси Қўлтимурат Бабашевга отаси АЙТМУРАТ отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор этади.

"Ўзгенсанлоийха" (ГПИ-4) институти жамоаси технология бўлимининг собиқ бошлиғи ҲОШИМ УМАРОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 467. 120 785 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳфаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — М. Жониҳонов. Навбатчи — З. Худойшукров. Мусахҳач — Ш. Машраббеов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.30 Топширилди — 22.15 1 2 3 4 5